



БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШДА ХОСИЛ СИФАТИ ВА ХОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИНИ АХАМИЯТИ

*ҚМШИ доцент Холмуродова З.Д.
талаба ООТ-167-21 гуруҳ Гелдиев А.А.*

Аннотация: Одним из важных факторов выращивания стабильного, обильного и качественного урожая озимых зерновых культур на орошаемых землях является широкое внедрение в производство усовершенствованных интенсивных технологий, основанных на оптимизации режимов орошения и подкормки, повышения урожайности и зерна. качество в зерновом хозяйстве.

Ключевые слова: орошение, оптимизация, технология, объем, норма, осенний колос, регион-почва-климат, биологическая, агротехника, гумус стоимость, биологическая

Abstract: One of the important factors in growing a stable, abundant and high-quality harvest of winter grain crops on irrigated lands is the widespread introduction into production of improved intensive technologies based on optimizing irrigation and fertilizing regimes, increasing yields and grain. quality in grain farming.

Key words: irrigation, optimization, technology, volume, autumn ear, region-soil-climate, biological, agricultural technology, cost, biological, norm, humus.

Аннотация: Суғориладиган ерларда кузги бошоқли дон экинларидан барқарор, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда суғориш, озиқлантириш тартибларини оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган жадал технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, ғаллачиликда ҳосилдорликни ва дон сифатини ошириш муҳим омиллардан биридир

Калит сўзлар: суғориш, оптималлаштириш, технология, вўл, кузги бошоқ, минтақа-тупроқ-иклим, биологик, агротехнология, таннарх, биологик, меъёр, гумус

Республикамизда асосий озиқ-овқат экини ҳисобланган буғдой ҳосилдорлигига таъсир этувчи омилларни минтақанинг тупроқ-иклим шароити ва навларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ғаллачиликдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Янги яратилган буғдой навларининг минтақа-тупроқ-иклим шароити ва навларнинг



биологик хусусиятларига мос агротехнологияларини ишлаб чиқиш навларнинг потенциал ҳосилдорлигидан тўла фойдаланишга ва ҳосилдорликни ва дон сифатини оширишга, етиштирилган дон таннархини камайтиришга имкон беради.

Бошоқли дон экинлари ҳосилининг шаклланишига навнинг биологик хусусиятлари, минтақа табиий иқлим шароити, тупроқ унумдорлиги, ўтмишдошлар, экиш усули, муддати ва меъёри, озиқа моддалар меъёри ва қўллаш муддатлари, нам билан таъминланганлик, ўсимликни касаллик, зараркунандалар билан зарарланиши, экинзорни бегона ўтлар билан ифлосланиши, барча агротехник тадбирларни оптимал муддатда ва сифатли ўтказилиши, ҳосилни қисқа даврда нобудгарчиликсиз ўриб-янчиб олинишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Дала тажрибалари Қашқадарё вилояти учун хос бўлган Қарши туманидаги “Хожихидир” фермер хўжалиги даласида олиб борилди. Тажриба даласининг тупроғи оч тусли бўз тупроқ, механик таркиби ўрта соз, кам шўрланган сизот сувлар 2-2,5 метр чуқурликда жойлашган, кам минераллашган (2,5-3г/л) иборат. Ўтмишдош экин ғўза. Ўсув даврида тупроқдаги намлик тупроқ чекланган дала нам сифимининг 70% дан кам бўлмаган ҳолда ушлаб турилди.

Тажриба майдони тупроғи таркибида гумус миқдори 0-30см қатламда 0,918% ни, 30-60 см да 0,660% , тупроқ таркибидаги ялпи азот мувофиқ ҳолда 0,018%; ва 0,055 % , ялпи фосфорнинг миқдори 0,105%; 0,065% ва ялпи калий миқдори 1,90;1,83% ни, ҳаракатчан азот миқдори 4,6 ва 2,3мг/кг, ҳаракатчан фосфор мос равишда 43,0 ва 30,0 мг/кг, алмашинувчи калий миқдори 118,0; 113,0 мг/кг ни ташкил қилди.

Тажрибада, андоза сифатида Давлат реестрига киритилган Андижон -1 нави стандарт қилиб олинди. Тадқиқотларимизда, юмшоқ буғдойнинг истиқболли навлари Замин, Жайхун, Бунёдкор, Фаровон ва Краснадар-99 навлари қўйидаги вариантларда 1) Назорат (ўғитсиз); 2) $N_{90}P_{60}K_{30}$ 3) $N_{140}P_{80}K_{45}$ 4) $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг\га жойлаштирилди.

Ўсимликнинг бўйи унинг ётиб қолишга чидамлилиги билан бевосита боғлиқ кўрсаткич ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимиз натижаларининг кўрсатишича назорат (ўғитсиз) вариантда барча навларда ўсимлик бўйи нисбатан паст бўлиши кузатилди. Стандарт нав Андижон-1 га нисбатан фақат Ҳисорак навининг бўйи 0,2 см га паст бўлди. Қолган барча навларнинг бўйи стандарт Андижон-1 навига нисбатан 7,0 см дан 16,9 см гача юқори бўлди.



Маъдан ўғитларнинг қўлланилиши билан ўсимлик бўйининг ошганлиги кузатилди. $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га қўлланилганда назорат вариантыга нисбатан барча навлар бўйича ўсимликнинг бўйи стандарт нав Краснодар-99 да 68,8 см дан 72,3 см га Барҳаёт навида 92,1 см га гача ошганлиги кузатилди. Бошқа навларда ҳам назоратга нисбатан ўсимликнинг бўйи ошиб борди. Тажрибамизда энг баланд ўсимликлар $N_{180}P_{60}K_{30}$ кг/га ўғит берилган вариантда юқори бўлганлиги кузатилди ва навларга боғлиқ ҳолда 92,1 см дан 101,2 см гача ўзгариб борди.

Тажрибамизда навларга ва қўлланилган маъдан ўғитлар меъёрларига боғлиқ ҳолда бошоқнинг узунлиги, 1 та бошоқдаги дон вазни ва донлар сони ҳам ўзгариб борди. Кўриниб турибдики маъдан ўғит меъёрларининг ошиб бориши билан бошоқ узунлиги, 1 та бошоқдаги дон сони ва вазни кўпайди.

Маъдан ўғит меъёрларининг ошиб бориши билан барча навларда ҳосилдорликнинг ошиб борганлиги аниқланди. $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га қўлланилган пайкалчаларда навлар бўйича ҳосилдорлик (Краснодар-99)да 58,7 ц/га , (Ҳисорак) да 66,2 ц/га бўлганлиги ёки бу назорат вариантыдагига нисбатан 32,4; 34,4 ц/гача ошганлиги аниқланди.

Ўрганилган натижалардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, янги юмшоқ буғдой навлари Қашқадарё вилоятининг иссиқ, қуруқ иқлим шароитида маъдан ўғитларга таъсирчанлигининг ошиб борганлиги маъдан ўғитлар $N_{180}P_{90}K_{60}$ кг/га қўлланилганда ҳосилдорликнинг ошиб бориши билан бошоқдаги дон сони ва вазни юқори бўлишлиги, кузги буғдойнинг қишлаш даражасига ижобий таъсири, бошқа вариантларга нисбатан маҳсулдор поялар сонининг кўп бўлиши ва ўсимликнинг ўсиб ривожланишининг юқори бўлишлигига эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Халилов.Н Бобомирзаев П.Х.Кузги буғдойни суғориш ва ўғитлашнинг илмий асослари. Тошкент :Фан, 2009.-200 б.
2. Халилов.Н Бобомирзаев П.Х. Буғдой. Самарқанд, 2011.-295 б.
3. Лавронов Г.А.Ўзбекистон буғдойлари- Тошкент 1974—336 б .